O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ENCOB PALATASI INV.№

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

Биз нималарга қарши курашамиз, сиёсат ва жамият ҳаётида нималарни маъқул эмас, деб ҳисоблаймиз?

Биз солиқлар миқдорининг асоссиз оширилишига қаршимиз. Солиқлар миқдорлари оширилиши ва солиқларни тўлаш муддатларининг қисқартирилиши, бюджет тушумларининг кўпайишига эмас, балки, иқтисодиётнинг хуфёна шўъбасининг фаоллашувига олиб келиши мумкин.

Биз давлат умумтаълим мактаблари, шифохона ва поликлиникалар учун ажратилаётган бюджет маблағларининг, электр қуввати, иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув, канализация, қурилиш ашёлари учун ва бошқа харажатларнинг ўсиши уларга сарфланаётган зарур харажатларни қопламаслиги боис, билвосита қисқартирилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 18 ноябрь, пайшанба • № 136 (25.531).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент Туркияга жўнаб кетди

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Туркияга жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, бундай деди:

— Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти 1975 йили тузилган бўлиб, 35 давлат раҳбарлари Хельсинкида бу ҳақда ҳужжат имзолаган эди. Ташкилотнинг асосий мақсади хавфсизлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни мустаҳкамлашдир. У иқтисод ва экологияга оид ишлар билан ҳам шуғулланади. Бундай масалалар ҳар бир мамлакат учун энг устувор ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам адолатли, демократик жамият қуриш йўлида 1992 йилда мазкур ташкилотга аъзо бўлган.

Назаримда, сўнгги йилларда ташкилот кўпроқ ҳуқуқий масалалар, яъни инсон ҳуқуқлари, демократия ва матбуот эркинлиги билан кўпроқ шуғулланиб, бошқа масалалар четда қолаётгандек. Албатта, биз учун ҳам ҳуқуқий масалалар муҳим. Бироқ хавфсизлик масаласини ҳал қилмай туриб бу ҳақда гапириш бефойда. Хавфсизлик ҳуқуқий масалаларнинг пойдевори ҳисобланади. Атрофимизда бўлаётган воқеалар бизни хавфсизлик масалаларига кўпроқ эътибор беришга мажбур қилаётир.

Бугунги кунда энг катта хавф террорчилик бўлиб қолмоқда. У ақидапарастлик, диний экстремизм билан бирлашиб кетаётир. Бу фалокат бизнинг хавфсизлигимизга ҳам раҳна солмоқда. Маълум бир кучлар мамлакатимиздаги эркин ҳаётни кўролмаяпти. Афсуски, айрим давлатлар Ўрта Осиёда бўлаётган нотинчликларга эътиборсиз қараяпти. Ҳозир террорчиликни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар жуда кўп. Бироқ уларга қарши бевосита курашадиган бирон халқаро ташкилот йўқ. Бугун бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш зарурати туғилмоқда. Чунки жаҳон ҳамжамияти террорчиликка қарши биргаликда курашмас экан, унинг пайини қирқиш мушкул. Саммитда шу масалани ҳам кўтариб чиқмоқчимиз.

Президент куни кеча Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пунктига яқин жойда юз берган воқеани шарҳлар экан, жумладан, бундай деди:

— Бу воқеа 15 ноябрь куни кечқурун Янгиобод жанубидаги Чоткол ўрмон хўжалигида рўй берди. Ўрмон хўжалигининг тўрт нафар хизматчиси ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтда, номаълум кишилар уларга қарата ўқ узган. Уларнинг учтаси шу ерда ҳалок бўлган. Хизматчиларнинг бири эса қочишга муваффақ бўлган. Жиноятчиларнинг икки нафари эса Янгиобод атрофида жойлашган сайёҳлик базасига кирган. Бундан хабар топган одамлар Янгиобод ички ишлар бўлимига хабар берган. Кўп ўтмай уч нафар милиция ходими етиб келган. Бироқ жиноятчилар уларни ҳам отиб ташлаган. Ҳозир жиноятчиларни топиш борасида барча зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, улардан бештаси йўқ қилиб ташланди. Қолганларини ҳам тез орада қўлга тушиши, шубҳасиз.

(ЎзА)

Замонавий меъморлик

Владимир ПАНОВ олган сурат

Байрамларга тайёргарлик

Мамлакатимиз жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеалар — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар арафасида турибди. Шунингдек, Конституция куни, Янги йил байрами ҳам яқинлашиб келмоқда. Шулар билан бир қаторда, декабрь ойида халқимизнинг улуғ шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий ва қорақалпоқ мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири Ажниёз Қўсибой ўғлининг таваллуд тўйлари ҳам нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ана шу байрамлар ва юбилей тадбирларини ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Республика Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов бошқарган мазкур йиғилишда жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий аҳамиятга молик ушбу тадбирларни уюшқоқлик билан ва юқори савияда ўтказиш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Х. Жўраев, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Жалилов, Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Раҳимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Т. Атамуротов ва бошқаларнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан ахборотлари тингланди.

Йиғилишда тугаётган асрнинг сўнгги йили — 2000 йилни муносиб кутиб олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг кўнглини олишга, айниқса, алоҳида эътибор бериш зарурлиги қайд этилди. Янги йилдан мамлакатимиз миқёсида «Болалар санъати фестивали»ни бошлашга келишиб олинди.

(ЎзА)

Конституция кунига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида «Конституция ва қонунларнинг устунлиги — Ўзбекистон тараққиётининг кафолати» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конституциямиз қабул қилинганлигининг етти йиллигига бағишланган мазкур тадбир Конституциявий суд ва Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ташкил этилди. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари А. Қосимов бошқарди.

Анжуманда Конституциявий суд раиси Б. Эшонов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари И. Назаров, адлия вазири С. Мирсафоев, республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. Эргашевнинг маърузаларитингланди. Ўзбекистон Конституцияси ўз моҳиятига кўра янги типдаги Конституция экани, у бугунги кунда жуда катта сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик муҳим ҳужжат вазифасини ўтаётгани таъкидланди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат бунёд қилинаётгани, бу эса барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашни тақозо этишига эътиборни қаратдилар. Конституция ва қонунларнинг устунлиги тамойили барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Асосий Қонунимизга биноан ва унга мос бўлиши зарур. Қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлар ҳозир ўзининг ижобий самарасини бераётгани, бинобарин, қабул қилинган барча қонунлар сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

(ЎзА)

Акс-садо

Ўйнаб ёзсанг-да, ўйлаб ёз

«Фидокор» газетасида бир мақола ўқидим. Сарлавҳаси— «Қийшиқ кўзгу аслида кимнинг қўлида?» Гўёки баҳсталаблик даъво қилаётган ушбу мақола шунчалар саёз, билимсизлик билан ёзилганки, буни алжирашдан бошқа нарса эмас, деб тушундим. Ҳар ҳолда журналист сифатида шуни айтаманки, ёзмасанг қўлларингни чопиб ташлайман, деб мажбур қилишган тақдирда ҳам шундай тутуруқсиз мақолани ёзмасдим. Мақола гўёки сайловларда сиёсий партияларнинг фаоллигига бағишланган. Бироқ, бошқа партияларни алмойи-алжойи фикрлар билан обрўсизлантиришга қаратилгани шундоқ сезилиб турибди.

Гапнинг индаллосини айтганда, газетада чоп этилган ушбу мақола Фидокорлар миллий демократик партиясининг обрўсини шунчалар тупроққа қориб ташлаганки, ўзини билган одам фаҳмлайди, қош қўяман деб, кўз чиқарилганини дарҳол сезиб олади. Мақолада нима дейилмоқчи?.. Мақсад ФМДПни мақташми? Мақташ «дард»ингиз бор экан, тузукроқ мақола ёзинг-да. Ҳамма қойил қолсин!

Эмишки, сиёсий партияларнинг телевидение орқали берилаётган роликларида ўша партиялар ўзини мақтаётганмиш... Ҳушингиз жойидами? Қайси бир партия ўзини ёмонласин. Айниқса «Ватан тараққиёти» ва «Миллий тикланиш» партиялари томонидан тайёрланган роликларни кўрган одамнинг «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир», деган халқ мақоли хаёлга келармиш. Гўёки, улар юртимиз тараққиёти фақат бизга тегишли, деб жар солаётганмиш... Гўёки, улар ҳеч иш қилмай хирмон бошига келиб қолганмиш... Шу таҳлит мағзава фикрларни ўқиб ичингизда оғриқ кўзғалади. Аввало, бу икки партия ҳақида бундай фикр айтишга кимнинг маънавий ҳаққи бор? Шунчалар ҳам вайсақилик бўладими? Ҳуши жойида бўлган одам ҳеч бир сиёсий партия ҳақида бундай тутуруқсиз гапни ёзмайди. Яна бир беасос ва бўъмани фикрга эътибор беринг. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан амалга оширилган ишларни сиёсий партиялар ўзиники қилиб кўрсатиб, халқ ўртасида ўз обрўларини кўтаришга уринаётган эмишлар.

Шунчалар думбуллик, калтафаҳмлик бўладими? Ахир, Президентимизнинг халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг тинч ва осойишта гуллаб-яшнаши, иқтисодий юксалишимиз учун амалга оширган барча ишларини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз-ку. Кимки буни тан олмаса кўр бўлмайдими? Иккала кўзи оқиб тушмайдими? Ахир, бу нонкўрлик, тузкўрлик эмасми? Сиёсий партияларга Президентимиз амалга оширган ишларни ўзиники қилиб кўрсатаяпти, деган айб қўйишга «Фидокор» газетасининг қандай ҳадди сиғди? Оғзингдан чиққан гапни қулоғинг эшитмаса қийин экан-да...

Ушбу мақолада Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг шаънига айтилган бўҳтон янада ошиб тушади. ХДПчилар Президентимизни ўз партияларининг аъзоси, деб эълон қилиб, обрў топиш йўлидан ҳам тоймаётганмиш. Ахир Юртбошимиз ХДП аъзоси эмаслигини ҳамма билади-ку. Халқимиз билади-ку? Нима, халқни шунчалар кўрсавод деб ўйлашадими? Бундай гап исбот талаб қилади. Қаерда? Қачон? Қайси бир ХДП аъзоси шу гапни айтди? Буни ким эшитди? Қачон эшитди? Нега энди ФМДП аъзолари тарқатган шундай бетайин гапларга ҳаммамиз ишонишимиз керак... Нима бало, газетхонни анойи, деб ўйлашадими булар?

Шу ўринда бир гапни айтай. Ҳар бир ХДП аъзоси муҳтарам Президентимизни илгари ХДП аъзоси, унинг раҳбари шу партиянинг сафида бўлганликлари билан ғурурланади, мағрурланади. Ҳа, доимо фахрланишади! Буни айрим «ёзувчи»лар ҳис қилиб қўйиши керак.

Мақолада таъкидланишича яна ХДП аъзоларидан кўрсатилган номзодлар «Мен Президентнинг ишончли одамиман», «Мени Президентнинг ўзи танийди», деб сайловолди компаниясида иштирок этишаётганмиш. Ҳай, инсон, шунчалар ҳам, «дедидеди», мижғов бўлишнинг нима кераги бор?.. Ёзгандан кейин, очиқ, аниқ факт билан ёзмайсанми? Нима қиласан ғийбатчининг гапини қилиб?

Қанчалик жириллаб бақирма, сўзнинг тоши бўлмаса, мазмуни бўлмаса, эл ичида бақироқ деган ном орттириб, томоқнинг йиртилгани қолади...

Бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Сиёсий партиянинг мавқеи Парламентдаги депутатлари сони ва фаоллиги билан белгиланади. Шу пайтгача юртимиз тараққиётида сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг муҳим ўрни бор.

Мақолада фидокорчилар ХДП аъзоларини уйғотди, деган даъво бор. Энди буниси ҳаммасидан ошиқча. Нима, ХДП аъзолари мудраб, ухлаб ётишибдими? ФМДП бизни уйғотиб нима каромат кўрсатди? Мана шундай тузсиз мақолалар эълон қилиб бошқаларни уйғотаяптими? ХДПнинг бу йилги ҳисоботсайлов йиғилишларида 60 минг киши сўзга чиқди. Ўз фикр мулоҳазаларини билдирди... Нима, шуларниям фидокорчилар уйғотдими? Бу қандай бемаъни даъво!

Кимнинг нимага қодирлигини сайловлар натижаси кўрсатади, албатта. Бировларни менсимаслик эса яхшиликка олиб келмайди. Одоб яхши. Иззат-ҳурмат яхши. Ҳалол муносабат яхши.

...Мен ўғлимни ҳар тонгда мактабга олиб бораман. Ёшда. Қизиқувчан. Жуда кўп нарсаларга эришишни хоҳлайди. Баъзида шошиб-шошиб сўзлайди. Ўзича мени мот қилмоқчи бўладими-ей. Мени кўп нарса билмасликда ҳам айблайди. Шунда кўнглимдан «Ёшсан болам, ҳали кўзларинг қаримаган, елкаларинг эзилмаган... ишқилиб одамлар ва ҳаёт ҳақида шошилмай баҳо бер», деган ўй кечади.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Сайловолди мулоқоти

16 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида, Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги сайловларни баҳолаш миссияси раҳбари Мадлен Вилкинс хоним ҳамда ушбу миссия аъзоси жаноб Никола Качаровски қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мамлакатимиздаги, ўзининг қизғин палласига кирган, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари ва ушбу сайловларда Ўзбекистон ХДПнинг иштирокини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳусусида сўзлаб берди, меҳмонларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Мадлен Вилкинс хоним Ўзбекистонда давом этаётган демократик сайловларда сиёсий партияларнинг иштироки ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди дастури билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берди.

Мулоқот чоғида мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий вакиллик органлари сайловларига дунё жамоатчилиги катта қизиқиш билан қараётганлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП матбуот хизмати

Сайловчи савол беради

Ташвиқотнинг шакли қандай?

Мамлакатимиздаги бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. Жойларда депутатликка номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари бўлмоқда. Шу ўринда менда шундай савол бор: депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ким ташкил этиши керак ва уларнинг шакли қандай бўлмоғи лозим? Фуқароларнинг уйларида ҳам ташвиқот ишларини олиб бориш мумкинми?

Ҳ. САЙИДМУРОДОВ, Наманган.

Жавоб: *«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, «Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади». Қонун номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини фақат йиғилишлар билан чекламайди. Эътибор беринг: Қонунда «ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда...», дейилади. Демак Қонун номзодларнинг сайловчилар билан, йиғилишлардан бошқа шаклдаги, чунончи, уларнинг уйларида ўтказиладиган (жумладан, бемор ёки ногиронлар билан) учрашувларни ман қилмайди.*

Энди, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш масаласига келсак, Қонунда кўрсатилишича, сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Лекин бундан депутатликка номзоднинг ўзи мустақил равишда, яъни мазкур округдан депутатликка кўрсатилган барча бошқа номзодлар учун округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан бир вақтда ва бир жойда ташкил этиладиган учрашувлардан ташқари, ўз сайловчиларй билан учрашиши мумкин эмас, деган ҳулоса келиб чиқмайди.

Босқинчиларнинг йўли тўсилди

Хабар қилинганидек, шу йилнинг 15 ноябрида 15-20 кишидан иборат босқинчилар гуруҳи Янгиобод аҳоли пункти яқинида милиция ходимларига ҳужум қилган эди. Отишмада Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи В. Говорухин, унинг биринчи ўринбосари Б. Пўлатов ва жиноий-қидирув бўлимининг катта тезкор ходими А. Қорабоевлар ҳалок бўлишди.

Маълум бўлишича, милиция ходимларига қуролли ҳужум уюштиришдан олдин босқинчилар ҳеч қандай сабабсиз уч нафар фуқаро — Чоткол қўриқхонаси табиатни муҳофаза қилиш инспекциясининг ходимларини отиб ўлдирган.

Мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбий идораларнинг махсус бўлинмалари босқинчилар гуруҳининг яширинган аъзоларини излаб топиш, қўлга олиш ва йўқ қилишга доир операцияларни амалга оширмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида гуруҳнинг беш нафар аъзоси йўқ қилинди. Улар орасида Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида 1998 йилнинг декабрида бандитлар гуруҳи таркибида милиция ходимини ўлдирганликда айбланиб, ҳозир қидирилаётган В. Кимнинг шахси аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан Янгиобод аҳоли пункти яқинида содир бўлган воқеалар бўйича жиноий иш қўзғатилди ва қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Қидирув ишлари жараёнида босқинчилар гуруҳининг Ўзбекистонга қўшни давлатларнинг биридан кириб келган бўлиши эҳтимоли тасдиқланмоқда.

Мамлакатимизнинг тегишли ҳарбий кучлари идоралари томонидан воқеа содир бўлган ҳудудда хавфсизликни таъминлаш ва жамоатчилик тартибини сақлаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Маҳаллий аҳоли ушбу тадбирларнинг амалга оширилишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

(ЎзА)

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Қадрли сайловчилар!

Биз баландпарвоз ваъдалар бераётганимиз йўқ, сизларни амалга ошириб бўлмайдиган ишларга даъват этаётганимиз ҳам йўқ. Тегишли қонун, фармон, қарор ва дастурлар мажмуасини қабул қилиш орқали, дастурий мўлжалларимизни изчил рўёбга чиқаришни — биз жонажон мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, ҳар бир киши, ҳар бир оила фаровонлигини таъминлашни, умумий уйимизнинг тинч ва саодатли ҳаёти асосларини янада мустаҳкамлашнинг бирдан-бир ҳақиқий йўли, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан

САЙФУЛЛАЕВА Саида Ибадовна

49-Бухоро сайлов округи

Саида опани бухороликлар меҳнаткаш, камтарин аёл, ташаббускор, ғайратли раҳбар сифатида эъзозлайдилар. У бунга албатта, осонликча эришгани йўқ. Умрининг ўтган ўттиз йилини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги технологияни жорий этиш, меҳнат аҳли манфаатини ҳимоя қилишга бағишлагани учун ҳам унга катта ишонч билдирилди.

Саида Сайфуллаева узоқ йиллар Бухоро пахта тозалаш заводида ишчи, марказий лаборатория мудири, меҳнат ва иш ҳақи бўлими катта муҳандиси, иқтисод бўлими бошлиғи, корхона раҳбари, вилоят ҳокимлиги ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаганида ҳам халқ дарди билан яшади. Бугунги кунда Саида Сайфуллаева қасаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси бўлиб, ишлаётир. У ҳамиша одамлар қувонч ва ташвишлари оғушида яшайди. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида опанинг саъй-ҳаракатлари билан, қонунга зид равишда ишдан бўшатилган, 42 киши ўз вазифасига қайта тикланди. Меҳнат қонунлари бузилиш ҳоллари олдини олишнинг муайян чоралари кўрилаяптики, бу шикоят ва аризаларнинг кескин камайишига олиб келди.

200 миллион сўм сарфланиб, 2107 киши санаторий ва дам олиш уйларига юборилди. 21 мингдан зиёд ўғил-қизлар ёзги оромгоҳларда дам олдилар.

Эллик бир баҳорни қаршилаётган С. Сайфуллаева ЎзХДП аъзоси сифатида партиядошларини ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аёлнинг жамиятдаги ролини ошириш, ёшларни баркамол қилиб вояга етказишдек шарафли ишларда фаолликка даъват этаётир. Бу борада ўзи ҳам аниқ дастурга эга.

КАЗИМОВА Робия Фатуллаевна

50-Файзулла Ҳўжаев сайлов округи

Инсон меҳнати, яхши одоби билан гўзалдир. Робия Казимова Бухоронинг фидойи аёлларидан биридир. У қадимий шаҳарда туғилиб, вояга етгани, унинг тарихий обидаларига мафтун бўлгани, шу улуғ заминга сажда қилгани учун ҳам кам бўлган эмас. Аввало вилоят статистика бошқармасида 12 йил турли лавозимларда ишлагани туфайли ҳаётнинг паст-баланди, унинг муаммоларини яхши англайди. Кейинчалик давлат назорати ва партия органларида ишлаши унга оддий фуқароларни диққат билан тинглаб, улар дардига малҳам бўлиш, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишда одилона йўл тутиш санъатини ўргатди.

Робия опа мана, уч йилдирки, ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгашини бошқармоқда. Бу ташкилот у раҳбарлигида республика партия ташкилотлари ўртасида нуфузли ўринга чиқди. Ҳозир шаҳар партия ташкилоти ўз атрофига 3400 га яқин аъзони бирлаштирган. Сўнгги йилларда унинг сафлари 1100 нафарга яқин йигит-қизлар ҳисобига кенгайди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси, — дейди Робия Казимова, — мудом эл-юрт ташвиши билан яшайди. Шу боис кўпроқ эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ўзининг бош мақсади деб билади. Шаҳардаги 126 бошланғич партия ташкилоти ўзи ташаббускор бўлган тадбирларга маҳаллий бошқарув органларини, тадбиркорлар ҳамда банк тизими ходимлари, маҳалла фаоллари, хуллас савоб ишларга бош қўшмоқчи бўлган олийҳиммат кишиларни жалб этмоқда. Бир йилда шаҳардаги 29 мингдан зиёд якка-ёлғиз қарияларни, ногиронлар, етим-есирларни, серфарзанд оилаларни ижтимоий ҳимоялашга, кам таъминланган оилалар фарзандлари суннат ва никоҳ тўйларини ўтказиш учун 40 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлангани савоб ишларимизнинг самарасидир.

Р. Казимова ҳақида бундан ҳам кўп ва хўп гапириш мумкин. Опа уч минг йиллик тарихга эга бўлган шариф шаҳарда яшовчи турли миллат вакиллари бошини қовуштирувчи 10 дан зиёд маданий марказлар ташкил этилишида ҳиссаси бор. Унинг сайловолди дастурида ана шу марказлар ишини янада жонлантириш, шаҳар саноати муаммоларини бартараф этишдек муҳим масалалар ўз аксини топган.

БАЗАРОВ Баходир Кабилович

51-Тўқимачилик сайлов округи

Баходир Базаров 38 ёшни қаршилади. 1983 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини битириб, ўзи туғилиб ўсган шаҳардаги Бухоро нон комбинатида меҳнат фаолиятини бошлаган. Ёш бўлишига қарамай, у қисқа вақт ичида, катта устадан директор даражасигача кўтарилди. Мана, уч йилдирки, у «Бухородонмаҳсулотлари» давлат акциядорлик жамияти раиси. Баходиржон доимо элнинг нони бутун, дастурхони тўкин бўлсин, дея югуради-елади. Шу боис ҳамиша иши ўнгидан келади.

Неча йиллардан буён орзу қилинган хирмон вилоятда шу йил яратилди. 300 минг тонна сара дон! Бу шоҳ неъмат билан йил бўйи бухороликларни тўкин таъминлаш имкони туғилди, деган сўз. Бироқ, уни сақлаш, асраш, қайта ишлаш масъулияти-чи? Буни унинг жамоаси яхши англайди. Аҳолига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида Германиянинг «Винклер», Туркиянинг «Экмасан» фирмалари, Италия, Болгария каби мамлакатларнинг корхоналари билан ҳамкорлик қилинаётгани ҳам раиснинг ишчанлигидан далолатдир. Бухоро, Қоровулбозор, Газли шаҳарларида замонавий технология асосида ишловчи новвойхоналар, Қоракўлдаги макарон цехи ана шу ҳамкорликнинг самарасидир. Энди вилоятнинг марказидан тортиб, узоқ туманигача аҳоли иссиқ нон ҳидини туядиган бўлди.

Баходир Базаровнинг ниятлари катта — ўтмишдаги тегирмонлар, новвой отабололаримиз анъаналарини давом эттириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазасига олиш, янги-янги цехлар очиш, ишсизликка барҳам бериш... Ҳа, нони бутун элнинг ўғли сифатида у ниятларига етиши шубҳасиздир.

ТЎРАЕВ Иззатулло Нарзиевич

52-Когон сайлов округи

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий саноатни ривожлантириш мамлакат ва ҳудуд иқтисодий қудратини оширишда, кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттиришда, аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини қондиришда, янги ишчи ўринларини вужудга келтириб, ёшлар ва аёлларни ишсизликдан муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этади. Очиғини айтадиган бўлсак, бундай ҳулосага вилоятда илгари ҳам келинганди. Аммо, иш юришмас, соҳа ўтириб қолганди. Вилоят «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акциядорлик компаниясига Иззатулло Тўраев раис бўлганидан кейин фаолиятда силжиш сезилди. Эллликни қоралаган, ишнинг кўзини биладиган И. Тўраев вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг аниқ дастурини ишлаб чиқди.

Ушбу дастурга мувофиқ Пешку ва Вобкент туманларида ип йигирув цехлари очилди. Қоракўл туманидаги «Ҳунарманд» ҳиссадорлик жамиятининг тўқув фабрикаси ишга туширилди. Фойдаланишга топширилган янги корхоналар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилга нисбатан 110 фоизга ошди. 230 та ишчи ўрни вужудга келди. Мана, ишласа бўларкан-ку. Иззаттулло Тўраевдаги бу ишчанлик унга ишонч ҳам олиб келяпти.

И. Тўраев халқ турмуш фаровонлигини оширишга, ишлаб чиқаришни тараққий эттиришга, энг муҳими, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этишга кўмаклашадиган тадбирлар ҳақида бош қотиряпти. Жумладан, вилоят маҳаллий саноатини ривожлантиришга чет эл инвестициясини янада кўпроқ жалб этиш мақсадида франциялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда Бухорода тиббий мойиқ ишлаб чиқарувчи фабрика бунёд этилади. Франция томони бу лойиҳа учун 1,5 миллион доллар миқдорида инвестиция ажратадиган бўлди. Бундан ташқари, аҳолининг қандолатчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Санкт-Петербургдаги ҳамкорлар билан биргаликда вилоятда кондитер фабрикаси қуриш режалаштирилган. Шу эвазига компанияда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ойига 20 миллион сўмга ошиши кўзда тутилган. Буларнинг барчаси фидойилик намунаси эмасми?

ЗАЙНИЕВ Мухитдин Фазлиевич

53-Галаосиё сайлов округи

Бир пайтлар «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти қолоқлик ботқоғига ботган, ташмачилик авж олган корхона ҳисобланарди. Олий маълумотли муҳандис-технолог Мухитдин Зайниев корхонада ишлаб, бунга тоқат қилолмади. Корхонани оёққа турғазиш керак. Хўш, буни ким қилади? Жамоада соғлом муҳитни вужудга келтириш мумкинми? Бу муаммоларга нуқта қўядиган шу корхонадан чиқиши керак. У ҳам бўлса М. Зайниев! Жамоа ана шундай хулосага келди. Ахир, у 13 йилдан буён ишчи, катта уста, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган, эплайди-да.

Эл ишончи унга мадад бўлди. Мана, уч йилдирки, «Бухороёғ» хориж танийдиган даражага етди. Шўролар даврида пахта ёғидан бошқа маҳсулот ишлаб чиқармайдиган корхонада бугун «Бухоройи шариф» маъданли суви, шифобахш «Ибн Сино» бальзами, майонез ва бошқа турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жамоа бу йўналишда Франция, Исроил, Польша ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунда талабчан, айни пайтда жамоасини севадиган раҳбарнинг астойдил қилган меҳнати ётади.

Маҳсулот харидоргир бўлса, корхона иқтисоди юксалади, ундан ишчи манфаат кўради. Ҳамма корхонага эгалик ҳуқуқини ҳис этаётгани учун ҳам акцияларга ҳар чоракда ўрта ҳисобда бир ойлик маош миқдорида дивидент тўланаяпти. Қиздирилган ёғ, совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилса-чи? ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши бу камтарин инсоннинг номзодини Республика Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатди.

ЗОКИРОВ Мансур Исаевич

54-Вобкент сайлов округи

Мансур Зокиров эндигина қирқинчи баҳорни кўрди. Унинг таржимаи ҳоли бошқалардан фарқ қилади.Тошкент давлат университетини тугатган. Ёш бўлса ҳам юрти учун кўп ишларни қилишга улгурган. Хусусан, «Ўзбектуризм»нинг вилоят бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган, «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамиятига раислик қилаётган айни чоғда ҳам Ўзбекистон, қадимий Бухорога хорижликлар назарини қаратиш мақсадида сира тиниб-тинчимайди.

Агар 1994 йилда Бухорога 41минг нафар сайёҳ қадам ранжида қилган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 68 мингдан ошди. Бу сайёҳларнинг 29 мингдан зиёдроғини хорижлик меҳмонлар ташкил этади.

—Миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда халқаро туризм бозорига чиқиш Ўзбекистоннинг, хусусан Бухоронинг маданий, тарихий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиш, сайёҳларга хизмат қилиш даражасини халқаро андозалар даражасига етказиш асосий вазифамиздир, — дейди М. Зокиров. —Бу вазифани имкон қадар уддалаб, ҳар йили 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги валютани мамлакат бюджетига кирим қиляпмиз.

Ҳа, «Бухоротурист» жаҳонга таниляпти, унинг чет эллик ҳамкорлари кун сайин ортиб боряпти. Ҳиссадорлик жамияти раиси Мансур Зокиров эса янги имкониятлар излаяпти. Лондон, Берлин, Токио, Милан, Москва, Иркутск, Санкт-Петербург шаҳарларида ўтказилаётган халқаро туристик ярмаркаларда фаол қатнашиб, хорижий сайёҳлик фирмалари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузяпти. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқяпти...

АВЕЗОВ Толиб Бойжонович

55-Кумушкент сайлов округи

Ўз меҳнат фаолиятини Вобкент туманидаги 2-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган Толиб Авезов қатор йиллар туман ёшларининг етакчиси, партия ходими, халқ назорати органларида ишлаб, ўзининг меҳнатсеварлигини амалда исбот этганлардан. Касби ўқитувчи бўлса ҳам барибир деҳқончилик соҳаси уни ўзига ром этганди. Шу боис 1982 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини сиртдан ўқиб тугатди. Қишлоқ ҳаётига ошуфта кўнгли мудом далани қўмсар, деҳқонга яқин бўлишга чорларди. Шундан бўлса керак туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб атиги бир йил ишлади.

1997 йилнинг баҳорида у тумандаги Мурод Жўрабоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси этиб сайлангач, Толиб аканинг дилидаги ғайрати, орзулари қанотланди. Уни катта-ю кичик ўзимизнинг раис бобо дейдиган бўлди. Сабаби ўта камтарин, ҳамманинг ҳурматини жойига қўяр, кечиримлида. Шу боисдан ҳам режалар туманда илғорлар қатори бажарилади. Биргина жорий йилда хўжалик давлатга 14 тонна пилла, 2986 тонна пахта, 860 тонна дон сотди. Пилла етиштириш уч йилда 4 тоннага, пахта — 600 тоннага, дон — 160 тоннага кўпайди. Ҳар гектар ердан режадаги 33,8 центнер ўрнига 41,4 центнердан ҳосил олиниб, пахтачиликдан 110 миллион сўм даромад кўрилди. Дондан кўрилган даромад 9 миллион 559 минг сўмга етди.

Уч йил раҳбарлиги давомида хўжаликда 200 ўринли мактаб, қишлоқ врачлик маскани, гишт заводи, ҳаммом қурдирди. Хўжалик тўла газлашди, ичимлик сув муаммоси ҳал этилди. Олдинда эса янги-янги режалар, марралар, қурилишлар...

АБДУЛЛАЕВ Мурадулло

56-Фиришкент сайлов округи

Мурадулло Абдуллаев 1948 йилда Пешку туманида туғилган. Тошкент политехника институтини тугатган, автомобиль йўллари муҳандиси. У дастлаб Бухоро шаҳар коммунал хўжалик бошқармасида муҳандис бўлиб иш бошлаган. Олий маълумот олгач, Когон, Галаосиё, Газли йўл қурилиш ва таъмирлаш бошқармаларида муҳандис, бош муҳандис, Бухоро автомобиль йўллари бошқармаси, Бухоро автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, вилоят йўл ташкилотлари бирлашган кенгаши раиси, «Ўзавтойўл» концерни раисининг биринчи ўринбосари, «Ўзавтойўл» концерни раиси бўлиб ишлаган кезларида бир қанча ибратли ишлар тепасида турди. Айниқса, Ғиждувон айланма йўли, Олот—Бухоро йўли кенгайтирилиб, биринчи категорияли мақом олди. Тош майдалайдиган завод қурилди.

Ҳа, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими М. Абдуллаев ўзидан яхши из қолдираяпти. Мана иккинчи йилдирки, у «Ўзавтойўл» концерни раисининг биринчи ўринбосаридир. Концерн жамоаси жорий йилда Буюк ипак йўлини тиклаш мақсадида катта бунёдкорлик ишларини олиб боришяпти. Тошкент — Андижон — Ўш йўналишида катта ҳажмда иш бажарилмоқда. Қамчиқ довонидан ўтувчи бу йўлда 2 та ер ости йўлининг биттасида ишлар ниҳоясига етди. Тошкент, Нукусда кўприклар қурилди. Амударё устидан ўтган кўприк мамлакатга катта иқтисодий фойда беради. Шунингдек, мамлакатдаги 3237 километрли йўлнинг ҳолати жаҳон стандартлари талабида бўлишига эришиляпти. Бухорода гранит кесадиган корхона ҳам кўпгина харажатларга барҳам берди.

АМИНОВ Ўткир Амонович

57-Ғиждувон сайлов округи

Ўткиржон яқинда ўттиз тўққиз ёшга тўлди. Ғиждувонликлар уни тўғри сўз, ёлғонга тоқат қилолмайдиган, ҳар бир гапини лўнда қилиб гапирадиган йигит, қолаверса давлат бюджети маблағларининг ҳимоячиси сифатида тан олганлар. У деҳқон оиласида туғилган. Қишлоқ муаммоларини билади, Шу боис эл билан бақамти ишлашга кўниккан.

Ўткир аканинг касби молия-иқтисодчи. 1986 йилда Тошкент давлат халқ хўжалик институтини тугатган. Шундан сўнг Бухоро шаҳар молия бўлимининг катта нозири, вилоят тафтиш-назорат бошқармаси катта назоратчиси, тафтишчиси бўлиб ишлаган. 1995 йилдан буён Ғиждувон туман ҳокимлиги молия бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келяпти.

Туманда 16 минг ишчи-хизматчига бюджетдан маош тўланади. Давлат таъминотида бўлган касалхона, болалар боғчалари, меҳрибонлик уйларига озиқ-овқат, дори-дармон учун ҳар ойда 12 миллион сўм тўланиши даркор. Ў. Аминов раҳбарлигидаги жамоа ана шу маблағни маҳаллий бюджетдан топиш ва унинг ишлатилиши устидан назорат қилаяптилар. Шу боис ўтган йиллар давомида ойлик маош ўз вақтида тўланиб келиняпти. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга, 16 ёшгача боласи бор аёлларга, боласи 2 ёшга тўлишига қадар ишламайдиган оналарга нафақалар тўланади. Бу, албатта жамоа, унинг раҳбари масъулиятини тўла ҳис этаётгани самарасидир.

Дилкаш суҳбатдош, тўғрисўз Ў. Аминов ЎзХДП аъзоси сифатида партиямиз шаъни, нуфузи учун курашадиганларнинг биридир.

ҲОЖИЕВ Яхши Норович

58-Шофиркон сайлов округи

Яхши Ҳожиев 1947 йилда Шофирконда туғилган, олий маълумотли. Ўта камсуқум, дилкаш бу инсонни нурчилар устоз деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта. Яхши ака 15 йилдирки, Бухоро вилоят электр тармоқлари корхонасига бош. Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий ислоҳотлар осон кечмаётган, боқимандалик кайфиятидан қутила олмаётган корхоналар ҳали анча. Аммо, тадбиркор раҳбарга ёлчиган корхонадагина иқтисодий аҳволни барқарорлаштира олиш мумкин. Бугун Яхши Норович бошқараётган корхона кўпгина кўрсаткичлар бўйича тармоқ тизимида ўз ўрнига эга. Вилоятда қишлоқ хўжалик экинларининг 95 фоизидан кўпроғи Амударё суви билан суғорилади. Бу дегани қудратли насос станциялари орқали бир неча босқичда Бухоро ерларига узатилади. Бу жараёнда узулиш бўлмаслиги учун нурчилар масъулиятни дилдан ҳис этадилар. Ёки, Ўрта Осиёда энг катта саналган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Бухоротекс» каби кўплаб корхоналарни электр энергияси билан таъминлашда Яхши ака раҳбарлигидаги жамоанинг хизмати катта.

Яхши Ҳожиев билимдон, талабчан раҳбаргина эмас, балки қўли ва кўнгли очиқ инсон. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татигани учун кўнгли кемтик етим-есирлар, ногирон, кам таъминланган оилаларнинг яқин ҳомийсидир. Ана шу мақсадлар учун 1,5 миллион сўм сарфлангани фикримиз исботидир. Қисқаси, бизнинг ҳур замонда Яхши Ҳожиев сингари инсонларнинг қадрига ҳамиша етилади.

БАХРОНОВ Тохир Саидович

59-Пешку сайлов округи

Тохир Бахронов бир йўла уч соҳа мутахассиси— ҳайдовчи, ўқитувчи, учувчи. Ёшлигидан янгиликка ўч, ҳамма нарсани билсам, дерди. Бу хислати учун ҳам бугун у масъулиятли соҳа раҳбари. Тохиржоннинг таржимаи ҳоли оддий: 1959 йилнинг айни баҳорида туғилган, меҳнат фаолиятини оддий ҳайдовчиликдан бошлаган. Бу орада Ленинград фуқаро авиацияси институти, Бухоро давлат университети, сўнг Санкт-Петербург фуқаро авиацияси академиясини тугатган. 1997 йилдан буён «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори бўлиб ишлаб келмоқда.

— Бугун Бухоройи Шарифга келувчиларнинг сони кўпайган, — дейди Т. Бахронов. — Сабаби хориждан тўғридан-тўғри Бухорога учиб келиш имконияти мустақиллик шарофати ила яратилди. Аэропортимиз жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган.

Бухоронинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан қадимий аэропорт таъмирланди. Учиш-қўниш йўлаклари, ёритгичлар, подстанциялар хорижликлар ҳамкорлигида амалга оширилди. Замонавий ҳаво лочинлари орқали бугун Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой каби кўплаб мамлакатлардан юк ташувчи самолётлар қабул қилинмоқда. Соатига 150 йўловчига намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилганки, буларнинг барчасида Тохир Саидовичнинг меҳнати алоҳида кўзга ташланади. Янги аэропорт қурилиши эса давом этяпти.

Кўринишидан оддий, аммо мудом самимий Тохиржон меҳмондўст Бухоронинг ҳаво дарвозасидан ўзидек хушчақчақ, софдил, покдамон одамлар кириб келишини истайди. Чунки, истиқлолга эришган юрт эшиги ҳамиша дўстлар учун очиқ-да!

САИДОВ Асқар Сафарович

60-Ромитан сайлов округи

Қишлоқ хўжалиги келажагини, ҳосилдорликни ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатни ирригация ва механизациясиз тасаввур этиб бўлмайди. Асқар Саидов деҳқонларга нафим тегсин деб Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислар институтига ўқишга кирди. Уни 1988 йилда тугатиб, ўзи туғилиб ўсган Ромитан туманига ишга келди. «Бухороирқурилиш» трестининг тумандаги кўчма механизациялашган колоннасида фаолиятини оддий ишчиликдан бошлагани унга қўл келди. Поғонама-поғона ўсишлар уни обдон пишитди. Мана, 2 йилдирки, у жамоанинг раҳбари. Ўттиз ёшида катта жамоага бошчилик қилиш ҳам шарафда!

Ромитан ерлари ўта шўрланган. Шу боис Асқаржоннинг жамоасига ҳамиша иш топилади. Кейинги бир ярим йилда 4700 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, 161,6 километр хўжаликлараро ва ички зовурларнинг тозаланган, 4,8 километр лоток ҳамда бетон ариқлар тортилгани туманда пахта етиштиришнинг кескин кўпайишига олиб келди. Бундан ташқари, тарихий қадамжоларни ободонлаштиришга қўшилаётган ҳисса у ва жамоаси меҳнатсеварлигидан далолатдир.

Ўттиз уч баҳорни қаршилаган, айни куч-ғайратга тўлган бу йигит ЎзХДП вилоят кенгаши томонидан номзоди республика Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган.

ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ХАФИЗОВ Бахтияр Яхъяевич

61-Жондор сайлов округи

Бахтиёр Ҳафизов 1952 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1975 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган, муҳандис-қурувчи. Меҳнат фаолиятини «Ўзбекгаз»нинг Бухородаги 11-трести таъмирлаш устахонасида чилангарликдан бошлаган. Тиришқоқ, айни пайтда ўз касбининг фидойи бўлгани учун ҳам «Амубухороканалқурилиш»нинг вилоят таъмир-қурилиш трестида, «Ўзавтоқурилиш» трести, Бухоро шаҳар уй-жой бошқармаси, «Бухорогазсаноатқурилиш» трести 7-бошқармасида масъулиятли лавозимларда ишлади. Икки йилдирки «Ўзнефтгазқурилиш» акциянерлик жамияти бош директори бўлиб ишламоқда.

У «Бухорогазсаноатқурилиш» трестига раҳбарлик қилган йилларда вилоятда ичимлик сув муаммосини қисман бўлса-да ҳал қилишга бош-қош бўлди. Жумладан узунлиги 237 километрли Дамхўжа—Навоий—Бухоро улкан сув қувури қурилишининг ниҳоясига етишида Б. Ҳафизовнинг хизматлари катта. Бундан ташқари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида у бошлиқ трест азаматлари фидойилик кўрсатдилар. Б. Ҳафизов мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этадиган улкан иншоотларнинг ўз вақтида қуриб битказилишида, жонбозлик кўрсатишни ўзининг бурчи деб билади. Хўжаобод ер ости газ омбори, Газли—Чимкент газопроводининг муддатида фойдаланишга топширилиши бунинг аниқ исботидир. Ҳозир ҳам компания тизимидаги корхоналар жамоалари Шўртан газ-кимё мажмуи, Муборак газ комплекси қурилишида фаоллик кўрсатяптилар.

СОБИРОВ Ҳамрокул Ишонович

62-Қоракўл сайлов округи

Қоракўлда бўлган киши ерга боқиб, ҳайратдан ёқа ушлаши аниқ. Чунки, ҳамма ер оппоқ, мисли қор. Бу қор эмас — туз, шўр! Энди ўйланг, бу ерда яшовчиларга осонми? Йўқ, албатта, мушкул, муаммолар ҳар қандай кишининг дилини хуфтон қилади. Хўш, қараб туриш керакми? Асло! Халқ саломатлиги ҳамиша биринчи ўринда туради. Уни асраш шифокорлардан машаққатли меҳнатни талаб қилаётганини эса қоракўлликлар яхши англашади. Ҳамроқул Собировнинг бекор вақти кам. Сабаби туман марказий касалхонаси бош ҳакими, муаммо кўп, ечимини топиш учун изланиш, ҳаракат керак. Тиниб ўтирса, беморларнинг ҳоли не кечади? Халқ саломатлиги — эл бойлиги-ку. Шу ўй-хаёл уни эзгу амалларга бошлайди доим.

Тиббий соҳани ислоҳ қилиш мақсадида амалга оширилаётган яхши ишлар самарасини туман меҳнаткашлари кўриб турибдилар. Шу йил лойиҳа асосида 5 та қишлоқ ҳакимлик маскани қурилди. Шошилинч ёрдам кўрсатиш маркази очилди. Булар ҳам талабни қондирмайди. Бош ҳаким ичимлик сув муаммоси ҳалигача ҳал этилмаганлиги оқибатида туманда буйрак, жигар, ошқозон-ичак касалликлари учраб туришидан ташвишда.

Хуллас, катта ишга бел боғлаган Ҳ. Собиров элим соғ, бўлажак авлод ҳам жисмонан, ҳам ақлан расо бўлсин дея имконият даражасида ишлаётгани кўпчиликнинг ҳавасини уйғотади. Ахир, 25 йилдан буён беморлар билан қуйинган, шифо топган инсон лабидаги табассумдан қувонган бундай оқ халатли посбонлар эл корига ярайди-да. Шу боис Ҳамроқул Ишоновични жамоаси ҳам, тумандошлари ҳам қадрлашади.

БОҚИБОЕВ Эркин Джураевич

63-Олот сайлов округи

1934 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1957 йили Молия-иқтисод олийгоҳини тугатган. Мамлакат молиячилари устози сифатида танилган Э. Боқибоев меҳнат фаолиятини Фарғона вилоятида бошлаган. Олтиариқ ва Яйпан давлат банки бўлимларида йўриқчи бўлган. Сўнг давлат банки Яйпан бўлими бошқарувчиси, давлат банки Сирдарё вилояти бошқармаси бошқарувчиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси давлат банки бошқарувчисининг ўринбосари, республика Агросаноат банки бошқарувчиси бўлиб ишлаган. 1990-1991 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети план бюджет-молия комитети раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси, 1991-1994 йилларда эса республика молия вазири, сўнг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси бошқаруви раиси ва ижрочи директори лавозимларида ишлади.

1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келаётган Э. Боқибоев «Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи» унвони соҳиби, «Шавкатли меҳнати учун» медали, 3 марта Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Юртида юксак қадр топган отахон бугунги кунда нуронийлар сардори. Мамлакатимизнинг катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, халқимиз орасида обрў-эътибор қозонган муҳтарам кексаларимизнинг ҳаёт тажрибаси, ақл-заковати ва барча саъй-ҳаракатларини ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш каби муҳим масалаларга қаратишда бош-қош бўлмоқда.

АБДУЛАХАТОВА Сайёра Салиховна

64- Жиззах сайлов округи

Сайёра Салиховнанинг болалиги уруш ва урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келди. У тенгдошлари қатори бу даврнинг машаққатларини ўз бошидан ўтказди. Қийинчиликларга қарамасдан билим олишга ҳавасманд бўлди.

Вақт — елдирим деганларидай орадан йиллар ўтди. Бу орада Сайёра Салиховна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини муваффақиятли тамомлади ва муаллимлик фаолиятини бошлаб юборди. Ўттиз саккиз йиллик устозлик даврида у юзлаб, минглаб ёшларга сабоқ берди, устоз сифатида обрў-эътибор топди.

1985 йилдан бери Сайёра Абдулахатова Жиззах педагогика билим юртига раҳбарлик қилаяпти ва ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли ишда фидойилик кўрсатиб келяпти.

Сайёра Салиховна бошчилик қилаётган билим юрти жамоаси таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўз касбини пишиқ-пухта биладиган фидойи ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият бермоқда. Бу ерда талабаларнинг билим олишлари, касб сирларини ўрганишлари, ўз устиларида ишлашлари, бўш вақтларини мазмунли ва фойдали тарзда ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Буларнинг барчасида Сайёра Салиховна бош-қош. У ҳамкасблари, шогирдлари, талабалар даврасида «Одам табиатан қизиқ яралган — бойлигини йўқотса хафа бўладию, умри зое кетаётганига эса парво ҳам қилмайди. Аслида вақт мавжуд бойликларнинг энг қимматлисидир, энг оғир йўқотиш эса вақтни йўқотишдир», деган гапни кўп такрорлайди. Ўзи ҳам ҳаётда ўзининг ва ўзгаларнинг вақтини беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қилиб яшайди.

Олти ўғил-қизнинг севимли онажониси, юзлаб, минглаб ўқитувчи-мураббийларнинг устози Сайёра Салиховна оилапарвар, юртпарвар инсон, меҳрибон ва талабчан педагог, тадбиркор ва ташкилотчи раҳбар сифатида кўпчилик ўртасида обрў-эътибор топган.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ҒАНИБЕКОВ Ҳикматулла

67-Бахмал сайлов округи

Ҳикматулла тоғлар юрти Бахмалда туғилиб, шу масканда ўсиб улғайди. Ўрта мактабни тамомлагач, «Гулбулоқ» хўжалигига оддий ишчи бўлиб ишга кирди. 1967-1972 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олди. Шундан сўнг «Турон» жамоа хўжалигида зоотехник, бош зоотехник лавозимларида фаолият кўрсатди. 1993 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти котиблигига сайланди. Шундан бери бошланғич ташкилот котиби ва айни пайтда хўжалик раҳбарининг ўринбосари вазифаларида ишлаб келаяпти.

«Турон» жамоа хўжалиги бугунги кунда Бахмал туманидагина эмас, балки вилоятдаги иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан ҳисобланади. Бу ерда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, ғаллачилик, боғдорчилик ҳамда чорвачиликда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш йўлидан борилмоқда ва энг муҳими бу борада муайян ютуқларга эришилмоқда. Буларда шубҳасиз, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси, изланувчан ва тадбиркор мутахассис, элу юрт хизматига ҳамиша камарбаста бўлган Ҳикматулла Ғанибековнинг ўзига яраша хизматлари бор.

Ҳикматулланинг характерига тоғликларга хос босиқлик, камтарлик, тантилик, бошлаган ишини охирига етказмагунича тиниб-тинчимаслик, фидойилик сингари хислатлар хосдир.

Партиядошлари номидан унинг номзоди Олий Мажлис депутатлигига қўйилиши ҳам шунинг белгисидир.

— Ҳаётимнинг бош мавзуси — адолатдир, — дейди Ҳикматулла Ғанибеков. — Чунки, инсон ҳаётининг мезони адолат бўлмоғи керак.

АЛМУРАДОВ Ғайбулла

68-Ғаллаорол сайлов округи

Ғайбулла мактабда ўқиб юрган кезларида ўқитувчи бўлишни ҳавас қиларди. Бу ҳавас орзуга айланди ва уни Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга етаклади. 1964 йилда институтни муваффақиятли тамомлаган Ғайбулла Ғаллаорол туманидаги 25-ўрта мактабда она тили ва адабиёти фани муаллими сифатида иш бошлади. Шундан буён ўтган ўттиз беш йил мобайнида у ёш авлодга таълим-тарбия беришдек эзгу, улуғ касбни эъзозлаб келаяпти.

Ғайбулла Алмурадовни ҳамкасблари, ҳамқишлоқлари, шогирдлари «Ажойиб муаллим, ҳақиқий тарбиячи», деб ҳурматини жойига қўйишади. Бунинг боиси бор. Чунки, у киши ўтадиган ҳар бир дарс ҳали айтилмаган қўшиқ янглиғ қадрли, ҳали ўқилмаган китоб каби сирли. Унинг бугунги дарс машғулотлари кечагисидан маънода фарқ қилади, эртангиси умуман бошқача бўлади. Шунинг учун ҳам устознинг дарсларини тинглаб зерикмайсан, бу дарсларнинг ҳар биридан унутилмас сабоқ оласан киши.

Халқ таълими аълочиси Ғайбулла Алмурадов 1985 йилдан бери Ғаллаорол туманидаги 42-ўрта мактабда директор вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Бу даврда мазкур илм-маърифат масканида ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш жабҳасида кўп яхши ишлар қилинди. Ғайбулла Алмурадовнинг ҳамкасблари, шогирдлари даврасида такрорлашни яхши кўрадиган гаплари бор: «Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир. Зеро, тарбия буюк иш, тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир, деб айтиш мумкин».

Унинг ўзи эса бу гапларга амал қилади, ўз устида қунт билан ишлайди, ўрганишдан, изланишдан эринмайди.

УСМАНОВ Сабур Ҳамрақулович

70-Мирзачўл сайлов округи

1991 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, олти фарзанднинг отаси, «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сабур Ҳамроқуловичга партиядошлари юксак ишонч билдиришди: унинг номзоди Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилди.

— Ишонч — бу, зиммага юкланган юксак масъулият, — дейди у. — Сенга ишонч билдиришдими, дарҳол ана шу ишончга муносиб бўлишга, уни меҳнатинг, хизматинг билан оқлашга ҳаракат қил.

Сабур Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлагандан сўнг Арнасой ва Бахмал туманларидаги хўжаликларда ҳосилот, бўлим бошқарувчиси вазифаларида меҳнат қилди. 1998 йилдан бери Дўстлик туманидаги «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғининнинг раиси.

Бугунги кунда фуқаролар йиғини ҳудудида икки хўжалик бўлиб, 500 га яқин оила, 5800 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ўзига хос қувонч ва ташвишлари, кундалик муаммолари борки, буларни ҳал қилиш, ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт шароити яратиш фуқаролар йиғини фаолиятининг асосини ташкил этади.

Ўттиз саккиз баҳорни қаршилаётган Сабур Ҳамрақулович Халқ демократик партиясининг фаол аъзоси сифатида бундан кейин ҳам бор куч-ғайрат, билим ва тажрибасини элу юрт манфаатлари йўлида сарфлашга тайёр.

НОСИРОВА Қумри

65-Учтепа сайлов округи

«Дарё сувини баҳор тоширади, инсон қадрини меҳнат оширади», дейдилар. Ҳақиқатан ҳам меҳнат ва фақат меҳнатгина кишини улуғлайди. Қумри Носирова босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам бунга ёрқин намунадир.

Қумри мактабни тамомлагандан буён савдо-тижорат соҳасида хизмат қилиб келади. Қаерда, қайси вазифада ишламасин аввало элини, юртини ўйлади, халққа хизмат кўрсатиш савиясини яхшилаш, хизмат маданиятини кўтариш йўлидан борди.

Юрт мустақиллиги, Ватан озодлиги Қумри Носирова сингари ишбилармон, тадбиркор инсонларнинг орзуларига қанот бағишлади, уларнинг имкониятларига йўл очди. Қумри оила аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда «Ҳамида ая» деб номланган хусусий савдо-тижорат фирмасини ташкил қилди. Бугунги кунда мазкур фирма маҳалла аҳлига кўнгилдагидек савдо-тижорат хизмати кўрсатиб келаяпти.

Қумри Носирова ҳақида гап кетганда ҳамқишлоқлари «Ўзимизнинг опа, у кишига ҳавас қиламиз, ундан ибрат оламиз, унга ўхшашга ҳаракат қиламиз», дейишади.

«Дунёдаги ҳамма шодлик, ҳамма эзгуликларнинг манбаи, барча яхши ишларнинг бошловчиси меҳнатдир. Ҳузур-ҳаловатга, бахту саодатга эришмоқ учун меҳнат қилиш керак. Чунки, меҳнат туфайли оддий кунлар ҳам байрамга айланиб кетади». Қумри Носированинг ҳаёт фалсафаси бу!

У нафақат ишчан тадбиркор, айни пайтда ажойиб оила бекаси, маҳалла фаоли сифатида ҳам эл оғизига тушган Хайробод даҳасидаги тўй-тантаналар, маросимлару тадбирлар у кишининг иштирокисиз ўтмайди. Бу ҳам унинг ўзига яраша обрў-эътибор, ўзига хос мавқега эга эканлигидан далолатдир.

ЭРГАШЕВ Тошпўлат

71- Пахтакор сайлов округи

1951 йилда таваллуд топган, 1974 йилда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини тамомлаган, Зафаробод туманидаги «Булунғур» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Тошпўлат Эргашев Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Хўш, Тошпўлат қандай ишлари учун номзодликка муносиб кўрилди?

Очиғи, бу саволга жавобан меҳнати туфайли у шундай, шарафга лойиқ кўрилди, деб айтсак ҳам бўлади. Лекин бу жавобимиз бир ёқлама бўлиб қолиши мумкин. Шундай экан, Тошпўлатнинг аввало бошқаларга ўхшамаган, ўзгалардан фарқ қиладиган фазилатларини санаб ўтиш зарур. Бундай фазилатлар орасидан унинг ҳақиқатпарварлиги, тўғри сўзлиги, одамлар билан тез эл бўлиб кетиши, ҳақиқат ва адолатни ҳимоя қилиш, зарур бўлса ҳеч кимни аяб ўтирмаслиги, дилкашлиги, кези келганда ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан ва қаттиққўллиги, кези келганда эса меҳрибон ва ғамхўрлиги, вақт билан ҳисоблашмасдан, ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб ишлаши сингари талай хислатларини алоҳида ажратиб кўрсатмоқ керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Тошпўлат Эргашев раҳбар бўлган «Булунғур» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида бу йил давлатга пилла, ғалла, пахта топшириш юзасидан белгиланган шартномавий режалар ортиғи билан бажарилди. Шундан кўриниб турибдики, даромад ҳам, халқнинг кайфияти ҳам яхши. Бунда депутатликка номзоднинг ҳам хизматлари борлигига шубҳа йўқ.

УМУРЗОҚОВ Илҳом Пардаевич

66-Зарбдор сайлов округи

1975 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини имтиёзли тамомлаган Илҳом меҳнат фаолиятини Зомин тумани қишлоқ хўжалиги бошқармасида ҳосилотликдан бошлади. Шундан сўнг қатор йиллар масъулиятли вазифаларда хизмат қилди. Арнасой туманида ишлаган. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Зарбдор тумани ҳокими лавозимларида фаолият кўрсатди. 1997 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят Кенгашининг биринчи котиблигига сайланди. Энг муҳими, у қаерда ёки қандай лавозимда бўлмасин ўзига ишониб топширилган вазифани виждонан бажаришга, эл-юрт ишончини оқлашга ҳаракат қилди, ҳар доим фаол ва ташаббускор бўлди. Вилоят ҳамда туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини яхшилаш, ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт шароити яратишдек улуғвор ишларга муносиб ҳиссасини қўшди.

Шу кунларда Илҳом Умурзоқов раҳбарлик қилаётган Халқ демократик партияси вилоят кенгаши партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, унинг сафларини мустаҳкамлаш, партиянинг халқ ичидаги обрў-эътиборини ошириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Сайловолди тадбирлари, партия ғояларини омма онгига сингдириш, кундалик тарғибот ва ташвиқот ишларида бу янаям яққолроқ намоён бўлаяпти.

Илҳом Умурзоқов ўзини ташкилотчи ва билимдон раҳбар, қатъиятли ва талабчан киши, оилапарвар инсон сифатида кўрсатди. Унга хос бўлган яна бир хислат шуки, ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам у жамоаси, сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган шахсдир.

РАШИДОВА Сайёра Шарофовна

69-Зомин сайлов округи

Шундай инсонлар бўладики, улар ўзларининг ҳар кунги ишлари, салоҳияти, тафаккури, энг муҳими эса инсонийлиги, халқпарварлиги билан одамлар қалбидан мустаҳкам жой олган бўлишади. Ана шундай ажойиб инсонлардан бири Сайёра Шарофовнадир.

Сайёра опа давлат арбоби ва атоқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг фарзанди. Балки камтарлик, ишчанлик, интизом, ҳамиша халқ дарди билан нафас олиш, одамларга бўлган беқиёс муҳаббат, юксак ташкилотчилик ва тадбиркорлик сингари инсон ҳаётини безовчи хислатлар у кишига раҳматли падари бузрукворидан ўтгандир. Нима бўлгандаям, бугун кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти раҳбари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Шарофовна элимизнинг суюкли фарзанди сифатида қадр-қиммат топган, обрў-эътибор қозонган.

Ўн нафар кимё фанлари номзоди, битта биология фанлари номзодини тайёрлаб етиштирган, уч юздан зиёд илмий мақола, иккита монография ва йигирмата муаллифлик гувоҳномаси муаллифи Сайёра Шарофовна полимерлар кимёси ва физикаси бўйича жаҳонда танилган олимадир.

У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили сифатида мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларининг дахлсизлигини таъминлаш, умуман мамлакатимизда ҳуқуқий, адолатли, демократик жамият барпо этиш йўлида куч-ғайрат сарфламоқда.

Яхши оилада камолга етган, бугунги кунда ўзи ҳам ажойиб бир оиланинг бекаси бўлган таниқли раҳбар, зукко олима Сайёра Шарофовнани Олий Мажлис депутатлигига муносиб номзод, деб биламиз.

УБАЙДУЛЛАЕВ Садик Салихович

72-Фориш сайлов округи

Ҳаёт — мураккаб ва бешафқат. У баъзан инсоннинг иродасини, сабр-бардошини синовлардан ўтказади. 1956 йилда туғилган ва 1978 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» факультетини тамомлаб, ўзи севган мутахассислик бўйича ишлаётган Садикни ҳам ҳаёт 1985 йилда жиддий синовга гирифтор қилди. Натижада у ногирон бўлиб қолди ва тўрт йил ҳеч қаерда ишламади.

Шифокорларнинг кўмаги, яхшиларнинг ёрдами, қолаверса мустаҳкам иродаси туфайли Садик яна сафга қайтди. 1989 йилда Тошкент шаҳар «Меҳрибонлик» жамияти раиси вазифасида ишлай бошлади. 1991 йилдан эса у Ўзбекистон Республикаси ногиронлар жамияти раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. «Шуҳрат» медали, «Фахрий ёрлиқ»лар билан тақдирланган.

Садик Салихович қаерда ишламасин ўзини билимдон, салоҳиятли, изланувчан ташкилотчи ва интизомли кадр сифатида намоён этиб келаяпти. У раҳбарлик қилаётган республика ногиронлар жамияти ногиронлар турмуши ва иш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш дастурий талабларини изчиллик билан амалга оширмоқда.

Мустаҳкам ирода соҳиби, ажойиб оиланинг бошлиғи, ташкилотчи инсон Садик Салихович мамлакат Олий Мажлиси депутатлигига муносиб номзоддир.

Саҳифа материалларини Даврон БАҲРОНОВ ва Иброҳим ЖОНУЗОҚОВлар тайёрлашди.

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ХАСАНОВ Урин Хасанович

73-Навоий сайлов округи

Навоий вилояти ватанимизнинг саноатлашган ҳудудларидан биридир. Мазкур сайлов округидан номзоди кўрсатилган Урин Хасанов ўз иш фаолиятини Навоий шаҳридаги «Жансанмонтаж» корхонасида қозон-қуювчига шогирдликдан бошлади. Қайноқ меҳнатнинг бағрида суяги қотди. Ушбу тажриба заводида иш ўрганди. Кейинчалик «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида аввал қозон-қуювчи, газ қисувчиликдан ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи даражасигача кўтарилди. 1979 йилда Тошкент политехника институти Навоий филиалини тамомлагач, унда ташкилотчилик қобилияти юзага чиқди. Шундай қилиб сиёсий органларда ўзининг иш фаолиятини бошлади.

Ёш кадрдаги қобилият, шижоат раҳбарлик лавозимларига поғонама-поғона кўтарилишига имкон яратди. 1991-1997 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари, директор лавозимларида ишлади, тажриба орттирди. Иш фаолияти даврида бирлашмада иш унумдорлигини оширишда ўрнак кўрсатди, маҳаллада, жамоат ишларида фаол қатнашди. Урин Хасанович ҳамиша элни ўйлайдиган, аҳоли турмуш фаровонлиги учун қайғурадиган инсон.

Тўрт фарзанднинг отаси, олий маълумотли, 46 ёшни қоралаган, куч-қувватга тўлган Урин Хасанович сизнинг номзодингиз. У киши ҳозирги кунда «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори лавозимида ишламоқда.

УТЕМУРАДОВ Миктибой Аширбекович

76-Конимех сайлов округи

1950 йилларда Конимех тумани Бухоро вилоятига қарашли эди. Ўша йили Миктибой ака таваллуд топди. Туман чорвачиликка ихтисослашган, унинг болалари ҳам сурув ортида кечди. 1967 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. Талабалик йилларидаёқ тиришқоқлиги, ҳар бир фанни ўзлаштириш билан ажралиб турди. Институт йўлланмаси билан 1972 йилда Бухоро шаҳар озиқ-овқат бўйича савдо корхонасида ҳисобчи бўлиб ишлай бошлади. Иш фаолиятида тўғрилиги, фаоллиги билан жамоа орасида обрў топди, ҳурматга сазовор бўлди. Шу тариқа иқтисодчилик фаолиятини вилоятга қарашли давлат хўжалигидан бошлади.

Болалиги даштларда, отар орқасида, чўпон таёғи билан кечмаганми, қатор йиллар турли давлат хўжаликларида аввал бош иқтисодчи, бош ҳисобчи, сўнгра «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмасида бош директорнинг ўринбосари бўлиб ишлади. 1994 йилдан бошлаб «Қизилқум» наслчилик жамоа хўжалиги раиси лавозимида ишлаб келмоқда. Ота касбини ардоқлаган инсон кам бўлмайди. Унинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 1 йиллиги нишони билан тақдирланганлиги, 1994 йилда туман кенгаши депутати этиб сайлангани бежиз эмас. Қанча меҳнат, қанча масъулият бор.

Меҳнат кишини тарбиялайди. Ватанга, элга меҳр уйғотади. Лавозимга масъулиятни шакллантиради. Миктибой Утемурадовнинг ҳам иродаси меҳнатда тобланди. Эл дардини, турмуш ташвишини англаб, оғирини енгиб қилишга бел боғлаган.

ПУЛАТОВ Абдукарим

78-Томди сайлов округи

Бугунги кунда кўчаларни асфальтсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жойлардаги йўлларнинг қатновга қулайлиги аввало, йўл қурилиши мутахассисларининг ўз касбига садоқат билан ёндашувига боғлиқ. Абдукарим ака ҳам Тошкент автомобиль йўллари институтига ҳужжат топширар экан, автойўлларни равон қиламан, деган бўлса ажаб эмас.

Йўли сознинг ўзи соз, дейди кексалар. Алоқа йўллари муҳандиси касбини эгаллагач, ўз ишини Қизилтепа йўл қурилиши ва созлаш бошқармасида ишчи-уста соҳасидан бошлади. Ўз касбига меҳр қўйган, билагида кучи бор ёш кадрни янада долзарброқ ишларга қўйишди. Эплади. Бошқарманинг йўл созлаш бўлими бошлиғи даражасидан бошқарма бошлиғи лавозимигача кўтарилди. Мамлакатимиздаги улкан қурилишларда Абдукарим Пулатовнинг ҳам ҳиссаси бор. Ҳозир у Учқудуқ йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишламоқда. Мамлакатимизнинг кўпгина вилоятларида халқаро аэропортлар қурилди. Учқудуқдаги халқаро аэропорт қурилишида Абдукарим ака бош-қош.

Хукуматимиз ҳар бир фуқаронинг меҳнатини муносиб тақдирлаб келмоқда. Абдукарим Пулатов ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи унвонига сазовор бўлди. Элни суйганни эл суяди, деб бежиз айтмайди-да халқимиз.

ЛАТИПОВ Сергей Насриддинович

74-Кармана сайлов округи

Латипов Сергей Насриддинович 1958 йилда Навоий туманида, зиёлилар оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни битириб, 1975 йилда Тошкент автомобиль йўллари институтига кириб, 1980 йили имтиёзли тамомлади. Иш фаолиятини Навоий автобус-таксомотор саройида механикликдан бошлади, сўнгра ҳунар-техника билим юртида, кейин Навоий саноат техникумида ўқитувчилик қилди. Сергей Насриддинович аста-секинлик билан иш фаолиятини сиёсий органларда давом эттирди. Аввал шаҳар ёшлари қўмитасининг иккинчи котиби, сўнг шаҳар ижроия қўмитаси раиси ўринбосари. 1992 йилда эса шаҳар ҳокимининг ўринбосари этиб тайинланди. Жамоага етакчилик қилиш, обрў орттириш мушкул вазифа, бунинг учун ҳар бир раҳбардан лаёқат, ишга холис ёндашишни талаб этади. У 1994 йилдан халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати.

Сергей Насриддинович ҳозирги кунда аҳолининг узоғини яқин қилиш, соҳасида, яъни «Навоийтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг бош директори лавозимида ишламоқда.

БРЕДИХИН Александр Алексеевич

77— Зарафшон сайлов округи

Александр Алексеевич Челябинск вилоятининг Увельский туманида 1949 йилда туғилган. Ўзбекистонга келганига ўн тўрт йил бўлди. Лекин киндик қони томган жойдан-да Ўзбекистонни азиз билади.

Александр аканинг Зарафшондаги марказий радиобошқаруви автотранспорт бўлими ривожида, такомиллашувида хизмати катта. Конструктор-технолог мутахассислигини Челябинск автомобиль йўллари техникумини тугаллагач эгаллади. Иш фаолиятини Жанубий Урал автотранспорт корхонасида слесарликдан бошлади. Ўспириннинг вазифаси ўзига ёқадиган касб танлаш, ўрганиб, уни эгаллаш. Мақсадга эришгандан сўнг шу соҳада ишлаш. Албатта, жамоа эътиборига тушиш, одамлар меҳрини қозониш учун тинимсиз меҳнат қилиш керак. Шунданми, Александр Алексеевич ҳам таъмирлаш мастери, ишлаб чиқариш катта диспетчери, таъмирлаш цехи бошлиғи, тижорат ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари лавозимларида ишлади, тажриба орттирди.

Мана, ўн бир йилдан буён Марказий радиобошқаруви автотранспорт бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. У кишига ишонч билдириб 1994 йилда Зарафшон шаҳар Кенгаши депутатлигига сайлашди. Александр Алексеевичнинг Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганлиги ҳам ўз касбига садоқатли эканлигига берилган баҳодир.

Александр ака оиласи билан тотув яшайди. Бир ўғил, бир қизи бор.

ХАКИМОВ Қўзи Рўзиевич

79-Қизилтепа сайлов округи

Пахта ўзбекнинг кўнгли каби оппоқ, беғубор. Шу йили пахта тайёрлаш йиллик режасини Навоий вилоятида биринчилардан бўлиб бажарган «Варозун» жамоа хўжалиги ютуғи раиснинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, жамоа билан тил топиша олиши натижасидир. Қўзи Хакимов хўжаликка раис бўлгунча турли жойларда ишлади. У 1983 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлагач, вилоят ер тузиш бошқармасида алмашлаб экиш бўйича ҳосилот, катта ҳосилот бўлиб ишлади. Қишлоқ хўжалигини юритиш, ер унумдорлигини ўрганиш, алмашлаб экишнинг фойдали томонларини тажрибада синаб кўриш каби юмушларни бажарди.

Ерни боқсанг ер сени боқади, дейди боболаримиз. Қўзи Хакимов ерни боқаётган хўжалик аъзоларининг турмуш даражасини оширишда жонкуяр раҳбар. Қўлга киритилган ютуқлар моддий манфаатдорликнинг меваси. Ўз улусини ўйлайдиган раҳбарлар республика даражасида қанча кўпайса мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун шунча замин яратилади. Қўзи аканинг ҳукуматимиз томонидан «Дўстлик» ордени билан мукофотланишида хўжалик аъзоларининг қўллаб-қувватлаши ҳам бор.

БОТИРОВ Рустам

75-Навбаҳор сайлов округи

Ҳаёт сўқмоғи беўхшов, ҳар бир одамни ўз йўналишида олиб кетаверади. Кимдир хўжаликда, кимдир қурилишда, яна кимдир эса масъулиятли ишларда фаолият юритади. Халқимиз бекорга: насибаси тортган эканда, демайди. Рустам Ботиров ўз ищ фаолиятини жамоа хўжалигида оддий аъзоликдан бошлади. Омади чопиб 1972 йили Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти талабаси бўлди. Институтни тамомлагач, аввал Хатирчи туманидаги 88-сонли ҳунар-техника билим юртида ёшлар ташкилотини бошқарди, ўша пайтлари Хатирчи Самарқанд вилоятига қарашли эди, вилоят ёшлар ташкилотида масъул ходим бўлиб ишлади. Одамлар, айниқса ёшлар билан муомала қилишни ўрганди. Шу тариқа сиёсий органларда фаолият юритди.

Мустақиллик йилларидан бошлаб ЎзХДП Хатирчи туман партия кенгашининг иккинчи котиби, кейинчалик биринчи котиби бўлиб ишлади. Рустам Ботиров ҳам сиёсий органларда тажриба орттириб, шаклланиб борди. Иш фаолияти даврида жамоага қайишишни, иш шароити яратишни, миллат, ватан бирлиги учун фидоийлик қилишни ўзлаштирди. У кишидаги ишбилармонликни, тадбиркорликни кўра билган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши 1998 йилда ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби лавозимига тайинлади.

Рустам Ботировнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган, у Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги 1 йиллиги нишони соҳиби.

Суюнов Азимбой Алимович

80-Нурота сайлов округи

Районим Нурота, тоғлар ораси,
Отим Эргаш, Жуманбулбул боласи.

Эргаш Жуманбулбул ўғли катта-катта давраларда достон ўқиб тингловчиларга минг йиллик воқеаларни куйлаб бераётган эллигинчи йилларда ҳозирги севимли шоиримиз Азим Суюн ҳали ёш бола эди. Тушунса-тушунмаса одамлар орасига суқулиб бахшиларнинг дўмбира торларини ажиб бир маҳорат билан чертаётган бармоқларидан кўзини узолмасди.

Ким билсин, бу боланинг кўнглига шоирлик ҳаваси ўша пайтларда тушганми? Ҳарқалай у ҳар гал достон тинглаганда ўзидан ўзи пичирлаб ўзи билганча сўзларни қофиялаб ўтирарди. Кечалари эса Алпомишу Гўрўғлилар, Авазхонлар билан гаплашиб чиқарди. Улар билан бирга яшаётгандек бўлаверарди.

Шундай қилиб гули йўқ, булбули йўқ, шарқироқ сойлари йўқ бир маконда, тоғлар орасида яна бир шоир туғилди.

Бу шоир Азим Суюн.

У шеъриятимизга ўз овози билан, ўз ранги билан кириб келди. Жўшқин, жўшқин-у ўйчан, фикри теран, қалби эҳтиросга тўла бу ёш шоир етмишинчи йиллар шеъриятига файз киритгандек бўлди.

Илгарилари шахсий туйғуларини шеърга солиб юрган Азим Суюннинг шеърхонга айтадиган гаплари қуюқлашиб, ширага тўлди. Мамлакатимизнинг номдор бастакорлари бу шеърларни бесабаб қўйга солмаганлар. Уларни халқ севган хонандалар катта концертларда, телевидение ҳамда радио орқали ижро қилмоқдалар.

Азим Суюннинг журналистик фаолияти ҳам мактовга жуда лойиқдир. У бош муҳаррирлик қилаётган «Ўзбекистон овози» газетаси ўқувчиларнинг энг севимли газеталаридан бири бўлиб қолди. Бунда албатта бош муҳаррир Азим Суюннинг хизматлари каттадир.

Мақоланинг бошида Нуротада гул йўқ, булбул йўқ, шарқираган сойлари йўқ, деб таърифладим. Азим Суюн ижоди билан қуюқроқ танишганимдан кейин бу шоиргинанинг қатор-қатор шеърий китобларини, хофизлар хониш қилаётган ғазалларини Нуротанинг гуллари, булбуллари ва шарқираган сойлари деб билдим. Азимнинг ижоди Нуротанинг яшил боғларидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Саид АҲМАД

Сахифа материалларини Юсуф ЖУРАЕВ тайёрлади.

Валий руҳини шод этиб

Мустабид замонида Ислом дини ҳақида эмин-эркин фикр юритишга изн берилмасди. «Туркистон каъбаси», «Муршиди офоқ» деб эъзозланувчи Хўжа Ахрор Валий ҳақида гапириш эса «гуноҳи азим» деб қараларди. Истиқлол шабадаси бундай нотабиий тўсиқларни учириб, йўлимизни равон, дилимизни равшан этди. Маънавият илдизларимиздан қувват олиб ҳидоят ва махфират йўлини яна тондик. Биз бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз. Яқинда эса Самарқанд шаҳрининг «Номозгоҳ» маҳалласида Хўжа Ахрор Валий руҳини шод этишга бағишланган тадбир ўтказилди. Йиғилганларга Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловнинг «Хайратул Ахрор» (Ахрор ҳайратлари) китобидан 500 таси совға қилинди. Одамларга анъанавий равишда турли совға саломлар ўрнига маънавий покланиш ва дунё илмини билишнинг калити — китоб инъом этилишида ҳам ўзига хос маъно бор. Маросимга Валийнинг 100 нафардан кўпроқ ворислари бош-қош бўлишди. У кишининг руҳини шод этиб Қуръон тиловат қилинди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

Янги фильм овозаси

Ўзбек киноси кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Яқинда «Уна рекордс» ва «Ўзкинохроника» киностудиялари ҳамкорликда янги бадиий-мусиқали фильмни суратга олишга киришди. «Ёнма-ён ёлғизликда» деб аталган ушбу фильм режиссёри Фарид Давлетшин бўлиб, бош ролларни таниқли санъаткорлар Кумуш Раззоқова ва Козим Қаюмовлар ижро этмоқда. Фильмда бу икки эстрада юлдузининг ҳаёти ёритиб берилади. Яқин кунларда экран юзини кўрадиган фильм санъат ихлосмандларига муносиб армуғон бўлади деган умиддамиз.

Саодат УСМОНОВА

Самолёт Марса учади

НАСА мутахассислари бир қатор авиакосмик фирмалар билан ҳамкорликда Марсга учувчи янги самолёт устида бош қотиришмоқда.

Бўлажак ушбу самолётга «Китти қирғийи» деб ном беришган. Унинг оғирлиги атиги 135 килограмм бўлиб, қанотларининг узунлиги 9,75 метрни ташкил этади. Самолёт кичик кўринишда бўлгани билан у энг замонавий технологиялар билан жиҳозланади, сабаби, у Қизил сайёрадаги фойдали қазилмалар, қимматбаҳо минераллар ва сув заҳиралари бор-йўқлигини аниқ «кўрсатиб» беради.

«Китти қирғийи»ни Марсга учириш учун 2003 йилнинг май ойига режалаштирилмоқда. У махсус модулда учирилади, яъни Марс атмосферасига киргач, 2000 метр баландликда унинг юк бўлмаси очилади ва ундан «Китти қирғийи» ажралиб чиқади-да, ўзининг мустақил учишини бошлайди.

2003 йил 17 декабрга келиб ушбу марсолёт Қизил сайёранинг барча дараю-водийлари устидан 1800 метр баландликда учиб, уни бутунлай «забт» этади. У узатган омилларга асосланиб, олимлар Марс рельефи (сайёра юзининг тузилиши, паст-баландлиги)нинг чизмасини ишлаб чиқишади.

Диққат:
«Кўпкари — улоқ»



Истиқлол ўзлигимиз, урф-одатларимиз қаторида барча миллий ўйинларимизни ҳам қайтариб берди. Ўзимизни, ўзбеклигимизни, Ўзбекистон эканлигимизни жаҳонга танитаяпмиз. 27, 28, 29-ноябрь кунлари «Кўпкари-улоқ» бўйича бўлиб ўтадиган Халқаро турнир ҳам сўзимизнинг исботидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон от спорти федерацияси, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ҳамда «Осиё бозори» газеталари ташаббуси билан амалга ошаётган Халқаро турнир Навоий вилояти Навоий туманининг, маркази Исломободда бўлиб ўтади.

Армонда қолмай десангиз, кўпкарига шошилинг!

Ташкилий қўмита

«Ўзсувқурилиш» концерни

Металл маҳсулотлари, ёғоч арралаш дастгоҳлари, сув иситиш қозони, насослар тайёрлайди. Концернинг ер суриш машиналарини таъмирловчи корхоналари барча вилоятларда самарали ишламоқда ва буюртмалар адо этади.

Концерн хорижий сармоядорларни корхонамизда қўшма корхоналар ташкил этишга ва 2000 йилдан бошлаб акциядорлик жамиятларининг 50 фоиз акциясини сотиб олишга таклиф қилади.

Сизларнинг таклифингизни кутамиз.

Манзил: Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 14-уй.
Тел.: 78-48-45, Факс: 78-59-79

ЎзР ФА Тарих институти маъмурияти ва жамоаси институт илмий котибаси Шоира Иноятовна Асадовага акаси, Бухоро Давлат университети проректори, педагогика фанлари номзоди

Зоир Нозимович НОСИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчилари шу Академия тингловчиси Бахтиёр Ҳакимовга волидаи муҳтарамалари

МУҲИБА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 14-ўрта мактаб томонидан 1999 йил 24 июнда Рамазанов Рушен Александрович номига берилган O'R-B № 054723 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 14-ўрта мактаб томонидан 1999 йил 24 июнда Абрахамия Ираклий Мурадович номига берилган O'R-B № 054731 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Саида ЙЎЛДОШЕВА,
навбатчи
Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 16.732 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0897

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА